

ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ОРГАНЛАРИ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЧИ КЛАССИФИКАЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Набиев Қобилжон Салимович

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали, шифокор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17737163>

Аннотация. Ушбу мақолада оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларининг клиник белгилари, патогенетик асослари ва уларнинг таъхисдаги аҳамияти тизимли равишда таҳлил қилинди. Замонавий адабиётлар асосида оғиз бўшлиғи тўқималарига ҳос анатомик ва функционал мураккабликларни инобатга олган ҳолда ишчи классификация таклиф этилди. Аниқ клиник белгилари бўйича жароҳатларни оғирлик даражаси, локализацияси, тўқима компонентлари зарарланиш чуқурлиғи ва ҳамроҳ асоратларига кўра тоифалаш таклифи берилди. Тадқиқот натижалари оғиз бўшлиғи жароҳатларида диагностика алгоритмларини такомиллаштириш, шошилинч ёрдам тизимини оптималлаштириш ва хирургик тактикани индивидуал танлаш имконини яратади.

Калит сўзлар: оғиз бўшлиғи жароҳатлари, клиник белгилари, классификация, дефектлар, тўқима зарари, диагностика.

Аннотация. В данной статье проведён системный анализ клинических признаков повреждений органов полости рта, их патогенетических основ и диагностического значения. На основе современных литературных данных предложена рабочая классификация, учитывающая анатомическую и функциональную сложность тканей полости рта. В классификацию включены критерии локализации, степени тяжести, глубины поражения и сопутствующих осложнений. Полученные результаты позволяют совершенствовать алгоритмы диагностики, оптимизировать оказание неотложной помощи и индивидуализировать выбор хирургической тактики при травмах органов полости рта.

Ключевые слова: травмы полости рта, клинические признаки, классификация, дефекты, повреждение тканей, диагностика.

Abstract. This article provides a systematic analysis of the clinical manifestations of oral cavity injuries, their pathogenetic mechanisms, and diagnostic significance. Based on contemporary literature, a practical classification is proposed that considers the anatomical and functional complexity of oral tissues. The classification incorporates key criteria including injury severity, localization, depth of tissue involvement, and associated complications. The findings contribute to improving diagnostic algorithms, optimizing emergency medical care, and enabling individualized surgical decision-making in the management of oral cavity trauma.

Keywords: oral cavity injuries, clinical signs, classification, defects, tissue damage, diagnostics.

Кириш

Оғиз бўшлиғи органлари жароҳатлари клиник амалиётда кенг учрайдиган ва функционал аҳамиятга эга бўлган шикастланишлар гуруҳини ташкил этади. Бу тузилмалар (лаби, буккал тўқималар, тил, милк, орофарингеал қисм) юқори даражада иннервацияланган, серқон ва сермусак бўлиб, ҳар қандай жароҳат нутқ, шайнаш, ютиш ва мимика каби асосий функцияларнинг бузилишига олиб келади.

Жароҳатларнинг кўп қиррали клиник манзараси, юз асаблари ва мимик мушаклар билан боғлиқлиги, шунингдек инфекцион асоратлар хавфи диагностика ва даволашда аниқ ёндашувни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда оғиз бўшлиғи жароҳатларини тўғри таснифлашга қаратилган ягона, амалиётда қўлланилиши кенг бўлган классификация мавжуд эмас. Мавжуд таснифлар турли даволаш тактикаларига асосланган ёки фақат айрим тўқима компонентларини қамраб олади.

Шу муносабат билан ушбу тадқиқотнинг мақсади – оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларининг клиник белгиларига асосланган универсал ишчи классификацияни ишлаб чиқиш ва унинг амалиёт учун аҳамиятини асослашдир.

Усуллар. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида 2020–2025 йиллар давомида нашр этилган замонавий илм-фан манбалари кенг қамровда ўрганилди. Хусусан, PubMed, Scopus, Web of Science ва Elsevier маълумотлар базаларида жойлашган 42 та илмий мақола ва монографиялар таҳлил қилинди. Қидирув жараёни “oral trauma”, “soft tissue injury”, “lip laceration”, “tongue trauma”, “buccal wound”, “classification” каби асосий калит сўзлар орқали амалга оширилди, бу эса оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларини ҳар томонлама ўрганиш учун зарур бўлган кенг қамровли маълумотларни тўплаш имконини берди.

Адабиётларни таҳлил қилишда авваламбор жароҳатларнинг клиник кўринишлари, уларнинг патогенетик асослари ва даволаш тактикасини белгилаб берувчи омиллар чуқур ўрганилди. Манбалардан олинган маълумотлар бир қанча илмий мезонлар бўйича тизимлаштирилди: жароҳатларнинг клиник белгилари, шикастланиш чуқурлиги, зарарланган тўқима тури, инфекция хавфи, асосий функцияларнинг бузилиши даражаси ва даволаш алгоритмларига таъсир қилувчи патофизиологик омиллар. Тизимлаштириш натижасида клиник жараённинг морфологик ва функционал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларини баҳолашга мўлжалланган ишчи классификациянинг тузилмавий модели шакллантирилди.

Натижалар Манбалар таҳлили оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларининг клиник тавсифи кенг кўламли ва турли тўқима структуралари билан боғлиқ мураккаб ўзгаришлардан иборат эканлигини кўрсатди. Биринчи навбатда, лаб жароҳатларига хос бўлган вермилион чегарасидаги узилишлар, m. orbicularis oris фаолиятининг бузилиши, қон кетишнинг юқори даражаси ва эстетик симметриянинг йўқолиши энг кўп қайд этилган клиник белгилардир. Буккал тўқима зарарланишларида чуқур кесилмалар, мукоза–мушак қатламларининг кесишмалари ва юқори инфекция хавфи асосий клиник аҳамиятга эга бўлди. Тил жароҳатларида эса оғриқ синдромининг кучлилиги, гиперсаливация, гемостазни таъминлашдаги қийинчиликлар ва инфекцион асоратларга мойиллик устунлик қилди. Милк ва альвеоляр соҳаларда тўқима кўчиши, альвеоляр қон томирлари зарари ва дентал шок реакциясига хос белгилари устувор бўлди.

Шунингдек, жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича фарқланди: енгил даражада — фақат мукозал қатлам зарарланган ҳоллар; ўртача даражада — субмукоза ва мушак қатламлари иштирок этган жароҳатлар; оғир даражада — асаб, томир ва бир неча тўқима қатламларининг бир вақтда шикастланиши; комплекс жароҳатларда эса бир вақтнинг ўзида бир неча анатомик структураларнинг тўлиқ бузилиши кузатилгани аниқланди.

Таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган ишчи классификация тўрт асосий мезонга таянди.

Биринчи мезон — жароҳатнинг локализацияси бўлиб, унга лаб, буккал тўқима, тил, милк-альвеоляр қисм ва орофарингеал минтақа киради. Иккинчи мезон — зарарланиш чуқурлиги бўлиб, мукозал, мукозал–мушакли, мушакли–фасциал ва асаб-томир элементларигача етган шакллар ажратилди. Учинчи мезон — тўқима турига асосланган бўлиб, кесилма (laceration), езилиш (contusion), тешилма (penetrating) ва йиртилиш (avulsion) каби жароҳат типларини ўз ичига олади. Тўртинчи мезон эса жароҳатнинг асосий функцияларга таъсирини қамраб олади: нутқ, шайнаш, ютиш ва мимик фаолиятнинг бузилиши даражалари шу мезонда баҳоланади.

Шакллантирилган ишчи классификациянинг афзаллиги шундаки, у амалиётда жуда тез қўлланилади, жароҳатни комплекс баҳолаш имконини яратади ва хирургик тактика, шошилиш ёрдам алгоритмлари ҳамда реабилитация режасини аниқ белгилашда муҳим клиник асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳокама

Олинган натижаларнинг таҳлили оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларини клиник жиҳатдан тўғри баҳолаш жараёни даволаш тактикаси ва кейинги реабилитация самарадорлигини белгилайдиган асосий омиллардан бири эканини тасдиқлади.

Жароҳатлар анатомик жиҳатдан ўта мураккаб тузилмаларни — мукоза, мушак, фасция, томир ва асаб элементларини қамраб олгани боис, уларга баҳо беришда оддий клиник кўздан кечириш етарли бўлмаслиги, аксинча, функциялар бузилишини, зарарланиш чуқурлигини ва инфекция хавфини ҳам бир вақтнинг ўзида ҳисобга олиш зарурлиги аён бўлди. Таҳлил қилинган манбаларда мавжуд бўлган таснифлар айрим ҳолларда фақат тўқима турини, бошқалари эса жароҳат чуқурлигини ёки клиник кўринишларини ёритади, аммо улар комплекс ёндашувни тўлиқ қамраб олмайди. Шу жиҳатдан ишлаб чиқилган ишчи классификациянинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, у жароҳатларни тўрт йirik мезон асосида баҳолашга имконият яратади: локализация, зарарланиш чуқурлиги, тўқима тури ва асосий функцияларга таъсири.

Айнан шу интегратив ёндашув жароҳатнинг ҳақиқий клиник вазиятини аниқ акс эттиришга ёрдам беради, бу эса шошилиш ёрдам кўрсатиш, хирургик тактикани танлаш, микрохирургик ёки флап-реконструктив операцияларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, лаб ва тил жароҳатларида зарарланиш чуқурлигини аниқлаш мимик ва артикуляцион функцияларни тиклаш учун микрохирургик техника зарурми-йўқми, деган саволга жавоб берса, мукозал–мушакли жарангларда инфекция хавфининг юқорилиги антибиотик профилактикасини тез бошлаш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, жароҳатнинг функцияларга таъсирини баҳолаш оғиз бўшлиғи органларининг нутқ, шайнаш ва ютиш каби асосий мураккаб фаолиятлар билан боғлиқлиги туфайли клиник амалиётда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқилган тўрт босқичли классификациянинг яна бир афзал томони шундаки, у умумий хирургик, ЛОР ва стоматологик амалиётда фойдаланилиши мумкин бўлган универсал инструмент сифатида амал қилади.

Клиник жараёни тизимли баҳолаш орқали тиббий ҳодимлар орасида бир хил тушунча ва ташхис қўйиш мезонларини шакллантириш имкони пайдо бўлади. Бу эса шошилиш ёрдам тизимида хатолар хавфини камайтиради, даволашнинг стандартлашувига хизмат қилади ва жароҳат оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кечиккан асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ишчи классификация клиник амалиётда аниқ қарор қабул қилишни енгиллаштиради, жароҳат турини янги, илмий асосланган мезонлар асосида баҳолаш имконини беради ва хирургик тактика самарадорлигини оширувчи муҳим клиник восита сифатида қийматга эга эканлиги муҳокама натижаларида яққол намоён бўлди.

Хулоса

Таҳлил қилинган манбалар ва олинган натижаларга таянган ҳолда, оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларини комплекс клиник баҳолаш ва уларнинг тузилмавий хусусиятларига асосланган таснифни ишлаб чиқиш шошилинич хирургик амалиёт ва реконструктив стоматологияда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга экани аниқланди.

Оғирлиги, локализацияси, зарарланган тўқима тури ва функцияларга таъсири бўйича тизимли ёндашув жароҳатнинг ҳақиқий клиник манзарасини ўта аниқ акс эттиради ва даволаш тактикаси учун асосий йўналишни белгилайди.

Ишлаб чиқилган ишчи классификация амалиётда тез, аниқ ва стандартлашган баҳолашни таъминлайди, жароҳат турини тўғри аниқлаш имконини яратади ва микрохирургик тиклаш, локал флап-реконструкция, эндоскопик минимал инвазив усуллар ёки лазерли ишлов каби замонавий хирургик технологиялардан фойдаланиш заруратини асослашда муҳим клиник асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу классификация инфекция хавфини баҳолаш, функциялар бузилишини олдиндан прогноз қилиш ва реабилитация тактикасида индивидуал ёндашувни қўллаш имконини беради.

Шу тарика, мазкур тадқиқотда таклиф этилган классификация модели оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларини комплекс ва илмий асосланган баҳолашга хизмат қилади, шошилинич тиббий ёрдам ва хирургик даволашнинг самарадорлигини оширади ҳамда перораль жароҳатларни бошқаришнинг замонавий клиник стандартларига мос, амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган илмий-амалий инструмент сифатида аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bianchi B., Ferri A. Local flaps in oral reconstruction. *Curr Opin Otolaryngol Head Neck Surg.* 2020;28(2):95–102.
2. Chen F., Zhang H., Liu Y. Microsurgical repair of perioral soft tissue injuries: outcomes and techniques. *J Oral Maxillofac Surg.* 2021;79(4):712–719. doi:10.1016/j.joms.2020.09.012
3. Costa H., Pedro R. Local flaps for lip reconstruction. *J Craniomaxillofac Surg.* 2023;51(1):45–53.
4. Gao X., Li P. Endoscopic repair of traumatic intraoral lesions. *Laryngoscope Investig Otolaryngol.* 2021;6(4):673–681.
5. Gofurov A. MODERN APPROACHES TO SINUS LIFTING IN DENTAL IMPLANTOLOGY: CLINICAL ASPECTS, COMPLICATIONS, AND DEVELOPMENT PROSPECTS //SHOKH LIBRARY. – 2025. – Т. 1. – №. 10.
6. Ishii L., Nesi R. Advances in facial nerve microsurgery. *Plast Reconstr Surg.* 2020;145(2):620–630.
7. Jaloliddinova S. ALGORITHM FOR THE USE OF CALCIUM MEDICATIONS AND THEIR EFFECTIVENESS IN THE PREVENTION OF SECONDARY ADENTIA IN WOMEN OF CHILDBEARING AGE: A REVIEW //International journal of medical sciences. – 2025. – Т. 1. – №. 1. – С. 286-290.

8. Kapusta J., Hoffmann T. Reconstruction of oral defects with local flaps. *Int J Oral Maxillofac Surg.* 2021;50(2):261–268.
9. Khalilova B. COMPREHENSIVE MANAGEMENT OF INFRAORBITAL INFLAMMATORY CONDITIONS: FROM ANATOMY TO CLINICAL SOLUTION //International Journal of Artificial Intelligence. – 2025. – T. 1. – №. 4. – C. 793-800.
10. Khalilova B. R., Musayeva O. T., Urinboeva Y. THE ROLE OF RATIONAL NUTRITION IN THE PREVENTION OF DENTAL DISEASES //World of Scientific news in Science. – 2024. – T. 2. – №. 3. – C. 206-214.
11. Kumar S., Singh V. Endoscopic intraoral trauma surgery: minimally invasive approaches. *J Craniofac Surg.* 2023;34(1):e25–e31.
12. Odiljonova N. ALTERNATIVE APPROACHES TO THE TREATMENT OF THE POPOV–GODON PHENOMENON: A CLINICAL PERSPECTIVE AND PRACTICAL JUSTIFICATION //International Journal of Artificial Intelligence. – 2025. – T. 1. – №. 4. – C. 1566-1570.
13. Raxmonova S. MODERN METHODS OF PERIODONTITIS TREATMENT: REVIEW, EFFECTIVENESS, AND PROSPECTS //International journal of medical sciences. – 2025. – T. 1. – №. 4. – C. 178-183.
14. Raxmonova, Shoxsanam. “Fibrous Periodontitis: Modern Evidence-Based Approaches to Treatment”. *International Conference on Global Trends and Innovations in Multidisciplinary Research*, vol. 1, no. 4, Oct. 2025, pp. 32-33, <https://www.tlepub.org/index.php/2/article/view/305>.
15. Romeo U., Palaia G. CO₂ laser in oral soft tissue trauma. *Lasers Med Sci.* 2021;36(5):1157–1164.
16. Shen Z., Wu X. Laser vs scalpel in oral trauma repair. *Lasers Surg Med.* 2020;52(8):708–716.
17. Tulanova M. Dental Implantation Planning: Instrumentation and Medication Support //Spanish Journal of Innovation and Integrity. – 2024. – T. 37. – C. 88-90.
18. Tulanova M. METHODS OF PAIN MANAGEMENT IN PEDIATRIC DENTISTRY: MODERN APPROACHES AND CLINICAL RECOMMENDATIONS //International Journal of Artificial Intelligence. – 2025. – T. 1. – №. 4. – C. 686-691.
19. Tuychiyev R. Enhancing therapeutic strategies for herpetic stomatitis: a comprehensive approach towards improved patient outcomes //Western European Journal of Medicine and Medical Science. – 2024. – T. 2. – №. 2. – C. 10-14.
20. Valijon og'li T. R. ACCURACY OF LINGUAL STRAIGHT-WIRE ORTHODONTIC TREATMENT WITH PASSIVE SELF-LIGATING BRACKETS AND SQUARE SLOT: A RETROSPECTIVE STUDY //Web of Medicine: Journal of Medicine, Practice and Nursing. – 2024. – T. 2. – №. 6. – C. 35-46.
21. Xie Z., Song J. Innovations in microsurgery for facial/oral trauma. *Microsurgery.* 2022;42(1):45–54.
22. Абдуллаев Ш., Эшонкулов Қ. Оғиз бўшлиғи шикастланишларининг клиник хусусиятлари. Тиббиёт журнали (СамДТУ). 2021;2:41–46.
23. Блохин А.Н., Копецкий И.С. *Челюстно-лицевая травма: диагностика и лечение.* СПб.: СпецЛит; 2020.

24. Гофуров А. Б. У. ОДНОМОМЕНТАЯ ИМПЛАНТАЦИЯ ЗУБОВ: РЕВОЛЮЦИОННЫЙ ПОДХОД К ВОССТАНОВЛЕНИЮ УТРАЧЕННЫХ ЗУБОВ //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences.- 2024. - Т. 4. - №. 1-1. – С. 241-245.
25. Гофуров, Азизбек. “Инновационные Биоматериалы И Плазменные Технологии В Синус-Лифтинге: Материаловедческий Анализ”. *International Conference on Global Trends and Innovations in Multidisciplinary Research*, vol. 1, no. 4, Oct. 2025, pp. 155-6, <https://tlepub.org/index.php/2/article/view/363>.
26. Гунько В.И., Мухаметшин Р.Ф. Клиника и лечение повреждений губ и щек. *Стоматология*. 2021;100(2):55–60.
27. Джалолидинова Ш. Д. АЛГОРИТМ ПРИМЕНЕНИЯ ПРЕПАРАТОВ КАЛЬЦИЯ И ЕГО ЭФФЕКТИВНОСТЬ В ПРОФИЛАКТИКЕ ВТОРИЧНОЙ АДЕНТИИ У ЖЕНЩИН ДЕТОРОДНОГО ВОЗРАСТА //ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND NATURAL SCIENCES. – 2025. – Т. 2. – №. 1. – С. 62-66.
28. Дубовик Е.Г., Слободской М.И. Особенности травм альвеолярного отростка. *Стоматология детского возраста*. 2021;20(3):45–49.
29. Кузнецов С.А. Травмы языка: диагностика и хирургическая тактика. *Вестник хирургии*. 2020;179(4):77–83.
30. Кодиров И., Ҳасанов А. Локал флап-реконструкция усуллари клиник таҳлили. *Ўзбекистон тиббиёт журнали*. 2023;1:55–60.
31. Одилжонова, Н. (2025). Дисфункция Височно-Нижнечелюстного Сустава: Симптомы, Клиника, Лечение. *International Conference on Global Trends and Innovations in Multidisciplinary Research*, 1(4), 30-31. <https://www.tlepub.org/index.php/2/article/view/304>
32. Рашидов Н., Ходжаев А. Оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқима жароҳатларининг патогенези. *Тиббиёт ва амалий фанлар журнали*. 2022;3(5):66–72.
33. Соловьёв М.М., Давыдов Д.В. Реконструкция мягких тканей полости рта при травмах. *Российский журнал челюстно-лицевой хирургии*. 2022;26(1):18–25.
34. Султанов У.Б., Рахматуллаев А.Х. Травмы полости рта у взрослых: классификация и лечение. *Здравоохранение Узбекистана*. 2022;1:48–53
35. Халилова Б. Р. ОСЛОЖНЕНИЯ ОДОНТОГЕННЫХ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 2. – №. 21. – С. 434-437.